



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил

15 май
ШАНБА№ 38
(12.258)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ҚАРОР ВА ИЖРО

ДАВР ТАЛАБИГА
МУТАНОСИБ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 февралда қабул қилинган "Автомобилларни газ билан таъминлаш компрессор станциялари ва автомобилларга газ қўйиш станциялари шохобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суюлтириш ва сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жойларда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Автомобилларни газ билан ҳаракатланишга ўтказиш экологик муаммоларни ҳал этишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Айни вақтда ушбу жараёнда хавфсизлигини таъминлаш, тегишли назоратни ташкил этиш, турли ноҳус ҳолатларнинг олдини олиш муҳим ўрин тутди.

Пойтахтдаги "Radisson" меҳмонхонасида ўтказилган семинар мамлакатда автомобилларга газ қўйиш компрессор шохобчалари тизимини мукамал ривожлантириш, газодизель тизимини жорий этиш, барча турдаги автотранспорт воситаларини газга босқичма-босқич ўтказишда хавфсизликка жиддий эътибор қаратиш ҳамда янги электрон ахборот тизимини таъбиқ этиш масалаларига бағишланди. Тадбир Ўзбекистон Савдо саноат палатаси, "Gazamir-Pro" компанияси, Ўзбекистон экологик ҳаракати, "Ўздавнефтегазспекция", Италиянинг "Dresser Wayne" корхонаси, вилоят ҳокимлиги ҳамда табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Семинарда автомобилларга газ қўйиш компрессор шохобчаси тизимини янги авлоднинг ҳамда газ савдосини янги технологиялар асосида марказлашган ҳолда назорат қилишнинг замонавий усуллари тақдим этилди. Хусусан, "SMART

CARD" карточкалари ва "SMART PATROL" ягона электрон-ахборот тизимини жорий этиш орқали суюлтирилган нефть ва сиқилган газнинг табиий газ билан юриш учун қайта жиҳозланган автотранспорт воситалари хавфсизлигини таъминлаш ҳар жиҳатдан қўлай ва фойдалидир.

Корхонамиз жаҳон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, двигател ёқилғи насоси фаолиятини электрон усулда назорат қиладиган, газни автомат тарзда дизель ёқилғиси билан қўшиб пуркайдиган ускунани тақлиф этади, — деди "Gazamir-Pro" корхонаси раҳбари Амир Урисов. — Бу янги газодизель мосламаси Ўзбекистонлик ва европалик мутахассислар ҳамкорлиги маҳсулидир. У ҳайдовчиларнинг ёқилғига сарфланадиган харажатларини тенг ярмига, дизель ёқилғисини 70 фоизга тежайди. Бундан ташқари, атмосфераларга зарарли газлар чиқарилишини 4 баравар қисқартириб, двигател фаолият мuddатини 2 баравар узайтирди.

Семинар давомида Юрчиқчиқ тумани "Агропроект" фермер хўжалиги мисолида экспонатлар намойиши, газ мосламалари ўрнатилган автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникалари кўргазмаси ўтказилди.

Хурида НАЗАРОВА.

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ



МЕҲРДАН УНГАН БОШОҚЛАР

Кенг ғаллазор. Донлари етилаётган бўлиқ-тўлиқ бошоқлар энгил шабадада селпиниб турибди. Ғаллазорни айланб, фермер Шаҳзода Шохўжаевнинг кўнгли ёришади.

— Бугдойни бу даражага етказгунча, озмунда меҳнат қилдикми?! — дейди "Баҳодурдин Махсум" фермер хўжалиги раҳбари. — Билсангиз, бу мавсумда экинмизни етти хил ҳашарот босди, занг касали хуруж қилди. Яхшиямки, эрта қўқлам дала чеккаларига кимёвий дори сепиб қўйгандик. Қолаверса, ғаллазорни ҳашарот ва касалликларга қарши уч марта дориладик. Минерал ва маҳаллий ўғит билан озик-

лангирдик, сугордик. Мана, натижани кўриб турибсиз. Ҳар ҳолда кўзлаган 60 центнерлик маҳсулоти эгаллашми.

Бугдойзорга туташ пахта даласига ўтдик. Иккинчи чопикдан чиққан ғўза шоналай бошлади.

— Бу майдонларни оптималлаштириш жараёнида ўтган кузда олгандим, — дейди фермер. — Қамишқибё, бошқа бегона ўтлар босиб кетган экан. Тозалаб олгунча кўп овора бўлдик.

"Баҳодурдин Махсум" фермер хўжалиги "Ташаббус — 2010" танловида қатнашиб, Ўртачириқ туманида биринчи ўринни эгаллади. Деҳқонлар ўтган йиллардаги ютуқларни мустаҳкамлаб, бу йил ҳам мўл ҳосил етиштириш ҳаракатида парваришга зўр беришапти. Тракторчи Ботир Пирмуҳамедов ғўза қатор ораларини юмшатиб, кетма-кет ариқ олса, Эмин Матқаримов, Мўмин Эламасов сугоришни бошлаш тараддулида. Улар гектаридан 30 центнердан ҳосил олишга бел бошлашган.

— Ҳосилдорлик қанча юқори бўлса, даромадимиз шунча баракали бўлади, — дейди Шаҳзода Шохўжаева. — Уни хўжалигимизда балиқчилик ва чорвачиликни ривожлантиришга, ишчиларимизнинг олий ўқув юртларида шартнома асосида билим олаётган фарзандлари контракт тўловларини тўлашга, одамларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфлаётимиз.

Жўрабек МУРДОВ.
СУРАТДА: Шаҳзода Шохўжаева.

Еркебой БОТИРОВ
олган сурат.

ИЖОДИЙ ФАОЛЛИК
ЭЪТИРОФИ

«Туркистон» саройида «Олтин қалам» V Миллий мукофоти ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди

Ватанимизнинг иқтисодий салохиятини янада ошириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, маънавиятни юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялаш йўналишида олиб борилаётган ислохотларда миллий матбуотнинг иштироки, ўрни ва аҳамияти тобора ортмоқда. Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтган «Олтин қалам» V Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросимида бу жиҳатлар яна бир қарра ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Шу муносабат билан ушбу саройга турли вазирилик ва идоралар, жамоат ва халқаро ташкилотлар, юртимизда фаолият кўрсатган хорижий дипломатик корпус вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, соҳада узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган факхрий журналистлар, олий таълим даргоҳларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар тақлиф этилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Гуломов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жаҳият ҳаётини тубдан янгилаш ва ислох этиш йўлида босқичма-босқич, тадрижий, халқимизнинг миллий руҳиятига, орзу-интилишларига монанд амалга оширилаётган эзгу савий-ҳаракатлар маънавий-маърифий соҳалардаги туб ўзгаришларга эришиш, миллий ўзликни англаш, оммавий ахборот воситаларини равақ топтиришга оид ибратли чора-тадбирлар билан ҳамоҳанг олиб борилаётганини таъкидлади.

Бугунги глобаллашув даври барча соҳалардаги ижодкорлар, айниқса, журналистикада қалам тейтаётган мутахассисларнинг билим ва малакасини доимий ошириб бориш баробарида юртимизда кенаяётган ислохотларнинг туб мазмун-моҳиятини, жаҳонда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларни халқимизга ҳалис ва ҳаққоний, чуқур таҳлилий ёндашув асосида етказишни, илгор ахборот технологияларини пухта эгаллашни, замон руҳи билан ҳамнафаслик, ҳамкамаликни талаб этмоқда.


Бу йил бешинчи марта ўтказилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов телевидение, радио, матбуот, интернет журналистикаси соҳасида меҳнат қилаётган серғай-рат, фидойи, қатъиятли журналистларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда ушбу танлов миллий ва халқаро журналистиканинг илгор ютуқларини оммалаштириш, журналистларнинг фаол фуқаролик позициясини намоён этиши учун зарур шароит яратиб, ижодкорларга танқидий фикрлаш ва ўз фаолиятига янги ёндашувни шакллантиришга хизмат қилади.

Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, даврий нашр ва интернет журналистикаси йўналиши бўйича ғолиблар, шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар совриндорлари ҳам диплом ва пул мукофотлари билан тақдирландилар. Халқаро ташкилотлар ҳам ўз мукофотларини топширди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА,
Ўза мухбири.



15 МАЙ — ХАЛҚАРО ОИЛА КУНИ

Оилалар барқарорлиги — жаҳият тараққиётининг муҳим омилidir. Мамлакатимизда оила мустаҳкамлигига қаратилган қарор-қарорларнинг қўламини кенг, мазмун-моҳияти чуқур. Юртимизда таъбири билан айтганда фарзандлар-

римиз, ёшларимиз — бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, улар — бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи. Фарзанда эса, аввало оила аталмиш қўлуғ даргоҳда тарбия топади, вояга етади.

ҚЎША ҚАРИГАНЛАР
ОРАМИЗДА КЎП

Шунинг учун халқимизнинг бу муқаддас қўрғонга ҳурмат, эътиқоди беқиёс, бетақор. Оиланинг устуңлиги — ота-она саломатлиги учун давлатимиз барча шароитларни яратиб қўйган. Унинг амалдаги ифодаси Президент фармонларининг жойлардаги ижросига боғлиқ. Шу маънода йил дастури асосида вилоятимизда олиб борилаётган қўламли савий-ҳаракатларни таъкидлаш ўринли.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, республика "Оила" илмий-амалий маркази, соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Тошкент Давлат аграр университети ҳамкорлигида "Соғлом аёл — соғлом жаҳият" мавзусида семинар, давра суҳбати бўлиб ўтди. Аҳоли репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида уюштирилган тадбирда қизларни оилага тайёралигини дозларб муаммолари, оиланинг маънавий қиёфаси, репродуктив саломатлигининг асосий тамойиллари ҳақида сўз борди. Уни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзуева олиб борди.

— Оилада соғлом муҳитни яратиш ота-онага, аввало аёлнинг маънавияти, жисмонан соғломлигига боғлиқ, — дейди республика "Оила" илмий-амалий маркази раҳбари, руҳунослик фанлари доктори, профессор Василиа Каримова. — Мамлакатимизда оила-ларнинг барқарорлигини таъминлаш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Оила масаласида давлат сиёсати даражасида қаралаётгани келажак авлод баркамоллиги, жаҳият тараққиёти, эл-юрт фаровонлиги учун қўлаидаётган ғамхў-



рликдир. Ўз навбатида масъулият ва бурчни ҳис этадиган эр ва аёл маънавиятини шакллантириш учун, аввало, қизларимизни оилавий ҳаётга тайёраш зарур. Ўтган йилги 272 мингдан зиёд оила никоҳи қайд этилди. Аммо, уларнинг ҳаммаси ҳам рисоладаги, барқарор оилалар мақомига эга бўла олармикан? Айримлар никоҳсиз яшашни ўзларига эп кўради, оқибати уйлаб ҳам қўйилмайди. Бунга оила илмининг етишмаслиги, деб қараш мумкин.

Хозирги кунда никоҳ ёши қизлар учун 20-22, йигитлар учун 24-26 бўлиши оиланинг мустаҳкамлигини таъминлайди, деган мулоҳазалар ҳам ўртага ташланаяпти. Чунки, эрта турмуш қўрганларда оила аталмиш неъматни қадрлаш лаёқати етишмайди. Шу ўринда ёшларнинг тиббий-ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, оила масъулиятини кучайтириш, бунда аёл — онанинг ролини алоҳида таъкидлаш жоиз. Оқила, соғлиҳ уй бекалиги қизларимиздан билимдонлик, зукколик, боринг-

ки, санъаткорликни талаб этади. Демак, етарли маълумот ҳаётда энг зарур оимл эканлигини қизларимиз яхши тушунишлари керак. Келин бўлиш, аввало, бурч ва масъулият эканлигини ҳам англашлари лозим. Бундай аёлларимиз кўп ораимизда, улар ўз фарзандларини ҳам шукру қаноатга ўргата оладилар.

— Оиланинг маънавий қиёфаси эр ва хотиннинг нечоғлиқ билими, фаросатлилигига боғлиқ, — дейди "Ўзбекистон юрист аёллар" ассоциацияси раҳбари, фалсафа фанлари доктори, профессор Жамила Шермухамедова. — Менга қолса, оилани фидойилик, садоқат ва жасорат рамзи деган бўлар эдим. Ҳаётнинг синовларига дош бериш, ҳар қандай шартда ҳам оталик, оналик масъулиятини унутмаслик — бу ҳақиқий жасорат эмасми? Қолаверса, шундай тинч, ҳур замонда барқарор оила соҳиби бўла олма-лик масъулиятсизликдир.

(Давоми 2-бетда).

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИГА ТАЪЗИМ

"Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одад ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолаа тасаввур этиб бўлмайди, — дейилади Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида. Табиийки, маданий-маънавий мерос, қўзна тарихий ёлғориклар миллатнинг энг қадрли бойлиги бўлиб, авлодлар тарбияси йўлида хизмат қилади".

Мустақиллик йилларида халқимизнинг азалий қадриятлари тикланиб, рўшнликка юз тутди. Ўртачириқ туманидаги "Ахтам Саҳоба" мақбараси "Олтин мерос" халқаро хайрия жағмармаси тасарруфидаги ана шундай қадим-жолардан бири. Бу сокин маскан, унинг ёнидаги мўъжизавий булоқлар ҳосияти нафақат Ўзбекистон, балки қўшни мамлакатлардан келаятган зиёратчиларнинг ҳам эътиборини тортган. Қадимжонинг саранжом-саристалиги, озодлиги эса Мўқимий маҳалласи аҳолисининг уюшқўқлиги, меҳнатсеварлиги, ўтганлар хотирасига бўлган ҳурмати ва садоқатидан.

Навбатдаги ободонлаштириш ва хайр-саҳоват, хотира ва қадрлаш тадбирига бош-қош бўлаётган маҳалла раиси Жўра Аҳмадулов маҳалла тарихи, унинг машҳур кишилари ҳақида хаяжон билан сўзлаб берди. Хотира маросимига йиғилганларга ўртачириқлик

журналист Баҳринисо Султонали қизининг "Мангуликка дахлдор умр" китоби тарқатилди. Бу беҳиз эмас. Унда тумандаги қўпгина муқаддас қадамжолар ҳақидаги маълумотлар берилган, улар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Шунингдек, маҳалладошлар, туманинг машҳур кишилари ҳақидаги ҳикоялар ўзаро меҳр-оқибат, эзгу туйғулларнинг шаклланишига хизмат қилиши табиий.

Тадбирда иштирок этган "Олтин мерос" хайрия жағмармаси вилоят бўлими раиси Зарифа Эшмирзаева китобнинг маънавий-маърифий аҳамияти ҳақида фикр билдириб шундай деди:

— Эзгулик ҳамиша ўтмиш булоғидан баҳраманд бўлади. Халқимизнинг ўзига хос ҳаётий қадриятлари, қўзна тарихий ёдгорликлари каби маънавийтимиз сарчамалари ҳамиша эзгулик йўли, унинг теран томirlари бўлиб қолаверади. Сайёра ЭШМАТОВА.

2010 ЙИЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

ХИЁБОНДАГИ ИМТИҲОН

Тошкентнинг Ғафур Гулом номидаги истироҳат боғида мактаб ўқувчиларининг «Саломатлиқнинг ёш дўстлари» мусобақаси вилоят финал босқичи ўтказилди. Уни Ўзбекистон Қўзиз Ярим ой жаҳияти вилоят кенгаши ташкил этди.

Боғнинг соя-салқин хиёбон ва йўлакларига гоҳ кўчма госпитал, гоҳ имтиҳон хоналарига айланди. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи кўргазмали воситалар, турли плакат ва деворий газеталар намойиш этилди. Болалар саккиз босқичда назарий ва амалий билим ҳамда кўникмаларини намойиш қилишди.

— Бу шунчаки мусобақа эмас, — деди Қўзиз Ярим ой жаҳияти вилоят кенгаши раиси Нигора Рустамова, — балки интерфаол усуллар ва ижодий ёндашувларга бой салохият йўлини. У болаларда санитария хизмати, шу жумладан, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмасини оширади, уларда меҳр-шафқат кўрсатиш туйғулларини кучайтиради. Кўрик давомида болалар синган аззоларни тахтакачлаш, яраларни боғлашда маҳорат кўрсатишди. Беморларни уй шароитида даволаш, шифобахш ўтлардан фойдаланиш, шахсий ва жамоат гигиенасига доир билим ҳамда тажрибалари юқори эканлигини намойиш этишди. Болаларнинг йўл ҳаракати қоидаларини билишлари, йўл-транспорт ҳодисалари чоғида биринчи ёрдам кўрсатиш малакалари ҳам синовдан ўтказилди. Ўқувчилар санитария хизматиго оид саҳна томошалари кўрсатиб, қўшиқлар қўйлашди, рақсга тушишди.



СУРАТДА: синов саволлари жиддий эди... Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ЭНЕРГЕТИКЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

"Ўзбекистон нефть ва газ" – OGU 2010" ўн тўртинчи халқаро кўргазмаси доирасида Ўзбекистон иқтисодиётининг нефть-газ соҳасига сармоя ва инновациялар жалб этишга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.

"Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси томонидан "ITE Uzbekistan", "I.T.E. Exhibition & Conferences" (Буюк Британия) каби халқаро кўргазма компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда ўттизга яқин мамлакатдан беш юздан зиёд олим ва мутахассис иштирок этди.

Конференцияда мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг кўпмал тармоқларида, жумладан, нефть-газ sanoatida амалга оширилётган изчил ишлар ҳақида кўп қисматли сўзлар берилган. Анжуманда мамлакатимизда иқтисодиётнинг кўпмал тармоқларида, жумладан, нефть-газ sanoatida амалга оширилётган изчил ишлар ҳақида кўп қисматли сўзлар берилган.

Ўзбекистон улкан углеводород захираларига эга. Мамлакатимизда нефть-газ sanoatining янги ишчиларини реконструкция ва модернизация қилиш ишлари жадал давом этмоқда. "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси 2009 йилда маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 38 лойиҳани амалга оширди. Асосан, нефть-газ sanoatida амалга оширилётган изчил ишлар ҳақида кўп қисматли сўзлар берилган.

тиқболли кон аниқланиб, бургулашга тайёрланди. "Ўзбекнефтегаз" бир неча йиллардан буюн "Газпром", "Лукойл" (Россия), "KNOG", "Kogaz" (Корея), "Petronas Carigali Overseas" (Малайзия) каби нуфузли компаниялар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Биргаликда геология-кидирув ишларини ўтказиш, нефть ва газ конларини ўзлаштириш борасида қатор йирик сармоявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2009 йилда чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда 19 сармоявий лойиҳа ҳаётига татбиқ этилди.

Конференциянинг биринчи кунини "Ўзбекнефтегаз", "Ўзбекистон GTL", "Ўзбекгеофизика", "Andburservis" (Ўзбекистон), Италия-Ўзбекистон савдо палатаси, "КазМунайГаз" (Қозғоғистон), "Worley Parsons", "Tethys Petroleum Limited" (Буюк Британия) каби йирик компаниялар раҳбар ва мутахассисларнинг нефть-газ соҳасига илгор ва экологик тоза технологияларни жорий этиш, тармоқни модернизация қилиш, ҳамкорликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва

амалга ошириш, сармоя жалб қилишга доир маърузалар тингланди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда нефть ва газ қазиб олишни кўпайтириш ҳамда энергетик хавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида яратилган қўлай сармоявий муҳит ва имкониятлар, инновацион технологиялар, шунингдек, юртимизда давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизни ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар билан танишдилар.

Икки кун давом этган тадбирда анжуман қатнашчилари нефть-газ sanoatini ривожлантириш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш, соҳага сармоя кириштириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳамда углеводород конларини ўрганиш ва ўзлаштиришни такомиллаштириш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, Ўзбекистон ҳудудидagi янги конларни аниқлаш, ишга тушириш, халқаро ҳамкорликда янгида ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди.

Ноидра МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири.

– Оила барқарорлигининг муҳим омили бу – соғлиқ, омонлик, – дейди республика Репродуктив саломатлик маркази директори ўринбосари Феруза Раҳматуллаева. – Аналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола фаровонлиги учун шарт-шароит яратиш ҳам давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан. Бунинг учун репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш зарур. Репродуктив саломатлик дегани нафкат аёллар, балки репродуктив тизимдаги барча касалликлар ва камчиликларни бартараф этиш, инсондаги жисмоний, ақлий ва ижтимоий ҳолатнинг тўлиқ уйғунлигидир. Асосийси – бехатар ҳомиладорликни таъминлаш. Бунинг учун бўлғуси оналар – қизлари-



ҚЎША ҚАРИГАНЛАР ОРАМИЗДА КЎП

мизнинг саломатлигини назорат қилиш, тиббий куриклардан ўтказиб туриш зарур. Шунингдек, кийинги маданиятига ҳам эътибор бериш керак.

Оила илмининг қирралари биёсёр. Зарур билим ва кўникмаларга эга бўлган ибратли оила соҳиблари кўп орамызда. Уларнинг йиллар давомида орттирган ҳаётий тажрибалари, бу оилаларда тарбия топган баркамол,

(Давоми. Боши 1-бетда).

етук ўғил-қизлар ҳар бир ёш оила соҳибларига ўрнак бўлиши керак.

15 май – Халқаро оила кунига бағишлаб ўтказилаётган тадбирлардан бири Чирчиқ шаҳридаги ижтимоий-иқтисодий касб-хўнара коллежидан уюштирилди. Унда кўша қариб, кадр топган оила, онахонлар иштирок этиб, ёшларга ўз ҳаётлари мисолида оила аталмиш муқаддас даргоҳнинг тилсимларидан сўзлаб берилди. 40-50 йилдан буюн

оиланинг барча сир-синоатлари, ширин ташвишларини биргаликда кечириб келаётган нуроний отахон-онахонларнинг дилтортар сўхбатлари тугамайди. Нишонбой ота, Ҳабиба ая Зиёева, Эргаш ота, Замира ая Зуфарова, Жўра ота, Озода ая Мамадалиева каби 80 ни қоралаб, ундан ҳам ошиб қолган нуронийларнинг пурҳикмат сўзлари, ширин хотиралари шукроналик, эзгулик билан йўрилган. Муқаддас оила кўргонини садокат

билан ҳимоя қилиб келаётган инсонлар ҳақиқатан ҳам жасорат, матонат соҳибларидир.

Бундай учрашувлар бугун вилоятимизнинг Қуйичирчиқ туманида давом этмоқда.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТДА: Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган тадбир иштирокчилари қўлашмоқда.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ШАМОЛ ЁРДАМИДА ТЕЖАМКОР ҚУРИЛМА

Мамлакатимиз электр энергетика тармоғини модернизация қилиш, энергия сарфини қисқартириш борасидаги улкан ишлар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим натижаларидан биридир.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган "2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технология қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорига асосан, иқтисодиётнинг ушбу асосий тармоғида ўнлаб инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Улар мамлакатимиз энергетика саноатининг янгида ривожлантириш, корхоналарни модернизация қилиш, техника ва технология қайта жиҳозлаш, ресурсларни тежамкор қилиш, технологияларни жорий қилиш, муқобил энергия манбаларини ривожлантиришга йўналтирилган.

Дастурда 2010 йилда Ўзбекистонда биринчи марта 750 кВт қувватга эга тажрибавий шамол энергетика қурилмасини барпо этиш кўзда тутилган.

"Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компаниясининг маълумотларига кўра, Кореянинг "Dojin Co., Ltd" компанияси билан ҳамкорликда Чорвоқ сув ombori ҳудудида бўлган 40 метрга тенг анеометрик мачта қурилди. Тегишли асбоб ва ускуналар монтаж қилиниб, ҳозир шамол кўрсаткичларини ўлчаб бўйича ишлар олиб боришмоқда.

Ушбу ҳудудда шамолнинг ўртача йиллик тезлиги секундига 4,3 метрни ташкил қилади, қишқи мавсумда эса бу кўрсаткич секундига 6,6-7,1 метрга етади. Бу

эса шамол энергетик қурилмасининг барқарор ишлашини таъминлайди.

Курилманинг ишга туширилиши билан йилгига қўшимча равишда 2,3 миллион киловатт-соат ҳажмда электр энергияси ишлаб чиқарилиши кутилмоқда. Бу йилгига 700 минг куб метр табиий газни тежамкорлик билан бериши мумкин.

Ўзгидрометеорология марказининг маълумотларига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида шамолнинг тезлиги секундига 4 метрга етади ва ундан ҳам ортади. Бу эса шамол қурилмалари ишнинг самарадорлигини таъминлайди.

Ўзбекистоннинг бош энергия компанияси иқтибобли ҳудудларда шамол энергияси қурилмалари тизимини барпо этишни мўлжалламоқда.

Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш орқали ёқилгини тежамкорлик билан қўйиш, ҳудудлардаги экологик вазиятни яхшилаш, бориш қийин жойларда энергия таъминоти масаласини ижобий ҳал этиш имконини беради.

Ишлаб чиқаришда энергия сарфини қисқартириш бўйича қурилатган амалий чора-тадбирлар ҳақинда энергия ресурслари бозорига дадил кириб бораётган мамлакатимиз ёқилғи-энергетика тармоғини янгида ривожлантиришга хизмат қилади.

В. РУДАКОВА,
ЎзА мухбири.



САЛОМАТ БЎЛИНГ

2002 йили Ўзбекистон Республикаси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа регионига кирувчи давлат сифатида полиомиелит касаллигини ҳолими тўғрисидаги сертификатни олади. Бу – давлатимиз олиб бораётган сиёсат, шу жумладан, юқумли касалликларни бартараф этиш ҳаракати нақалар тўғрилигини кўрсатади.

Аҳолини режа асосида эмлаш, оммавий миллий, шунингдек, тозаловчи эмлаш кунлари ўтказилганлиги натижасида полиомиелитдан халос бўлишга эришилди. Қўшни Тожикистон, Афғонистон каби давлатларда эса бу касалликни келтириб чиқарувчи полиовируснинг ёввойи штамми бугунги кунгача аҳоли ўртасида учраб турибди. Оммавий ахборот воситалари хабар беришича, охириги вақтларда Тожикистон Республикасининг Афғонистон билан чегара ҳудудларида полиомиелитга чалинганликда гумон қилинган 100 дан зиёд бемор қайд этилган.

"Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа регионига томонидан полиомиелитнинг ёввойи штамми кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш дастури"нинг ижроси, шунингдек, вилоятимизда эпидемик барқарорликни сақлаш мақсадида оммавий миллий эмлаш кунлари 2 босқичда – 17 майдан 23 майгача ва 7 июндан 13 июнгача ўтказиш режалаштирилган. Бу даврда янги тутилган чақалоқлардан то 5 ёшгача бўлган болалар полиомиелитга қарши эмланган. Эмлаш учун боғча ва мактабларда махсус хоналар ташкил

бўлганлиги сабабли болаларга касаллик тез ўтиши мумкин. Кўп ҳолларда касалликнинг илк аломатлари пайдо бўлишдан 10 кун олдин ва пайдо бўлгандан сўнг 10 кун

СОҒЛИК УЧУН ИККИ ТОМЧИ



этилади, шунингдек, жараён тезкор бўлиб қолган ёрдамида бажарилади. Эмлаш бепул ўтказилади.

Полиомиелит фалаж қилувчи касаллик бўлиб, уни уч хил полиовируслар келтириб чиқаради. Касаллик қилувчи полиовирус одамдан одамга ифлосланган озиқ-овқат маҳсулотлари ва сув орқали юқади. У одам танасига тушгандан сўнг, ичакда кўпайди, кейин кон оқими орқали асаб тоналари тасвир кўрсатади. Юқиб омиллари жуда оддий

ўтиб бемор атрофдагилар учун хавфли бўлади.

Полиомиелитнинг аломатлари шунки, онда болада ич кетиши, овқат ҳазм бўлмаслиги, бош ёки қўрдада оғриқ, тана ҳароратининг кўтарилиши кузатилади. Шундан сўнг бемор мушакларида қучли оғриқ ва фалажлик қайд этилади. Фалажлик касаллигининг биринчи ҳафтасида кузатилади. Бунда бир ёки иккала оёқ ёки қўл ҳаракати сусаяди, шунингдек, нафас олиш қийинлашади. Баъзи ҳол-

ларда ҳаракат фаоллиги бемор тузалгандан сўнг тикланади. Лекин шу ўринда, мускул фаоллигининг тикланиши ҳар бир беморда турлича кечишини айтиб ўтиш ўринлидир.

Фалажлик кўрак қафаси мускулларини шикастлаганда, бемор сунъий мослама орқали нафас олдирилади. У бўлмаган тақдирда, бемор ҳалок бўлиши мумкин. Шунингдек, тўғри физиотерапия муолажалари ўтказилмасан, фалажланган мускуллар фаоллигини тиклаб бўлмайди. Шунинг натижасида полиомиелит билан касалланган беморларда оғир асоратларнинг бутун умрга қилиши кузатилади.

Касалликнинг илк белгилари пайдо бўлиши билан дори-дармон воситалари орқали беморга ёрдам кўрсатилиши керак. Лекин фалажликнинг алоҳида давоми мавжуд эмас. Юқорида айтиб ўтилганидек, кўрак қафаси мускулларининг фалажланишида сунъий нафас олиш мосмаси бўлиши зарур. Махсус жисмоний тарбия, ортопедик даво усуллари, физиотерапия ва бошқа ёрдамчи муолажалар оғир асоратларнинг қайтарилишига олиб келади.

Унутманг, полиомиелитдан сақланишнинг ягона йўли – вақтида эмлаш.

Насиб ТОИРОВА,
вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим мудири.

ЎЗАР КОРХОНАСИ КЕНГАЯДИ

Оҳангарон тумани Ўзар қишлоғидаги "Голд-керамика" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, корхона сифатли ва арзон гишт ишлаб чиқариш орқали доимий миқозларига эга бўла бошлади.

Қарийб 15 гектарлик майдонни эгаллаган корхона ойига 600 минг донадан зиёд гишти яқка тартибда уй-жой қураётган аҳолига етказиб беришмоқда.

Ҳозир корхонамизда қишлоқ ёшларидан 70 нафари муҳим иш билан таъминланган, – дейди корхона раҳбари Миржасур Юсупов. – Йил охиригача 2-цехни ишга туширсак, улар 150 нафарга етади. Корхона қурилиши учун "Буюк йил" банкидан олинган 500 миллион сўм кредит қайтарил-

ди. Янги қурилиш учун банкдан яна 500 миллион сўм имтиёзли кредит олиш учун ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда.

Хуршида ТУРСУНБОВА.
СУРАТДА: корхона ишчилари (чапдан) Ҳайит Зулфиров, Полвонназар Ниезметов, Шайхназар Шерматов ва Қувониз Назаров иш юзасидан сўхбатлашмоқда.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

АСАЛАРИЧИЛИК

ҚУНТ ҚИЛГАНГА ИМКОНИЯТ БОР

Вилоят ҳокимининг асаларичиликни ривожлантиришга қаратилган фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида тузилган ишчи гуруҳ фаолият бошлади, тармоқда сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Бугун вилоятда асаларичиликка иштироклаган хўжаликлар 196 тага, асалари оилалари 6000 тага етди. 2009 йилда 70,1 тонна ўрнига, 116,2 тонна асал етиштирилди. Бўстонликдаги "Бахтиёр Элдор Зайниддин" ва "Ўринғочой Шерали" Оққўрғондаги "Самандар Ясси" фермер хўжалиқлари, Қўрайдаги "Матқобулов ҚФЙ", Чирчиқдаги "Олмазор ҚФЙ" шахсий ёрдамчи хўжаликлар, айниқса, яхши натижаларга эришмоқда.

Асаларичиликни ривожлантириш учун туманимизда шарт-шароитлар етарли, – дейди "Ўринғочой Шерали" фермер хўжалиғи раҳбари Шерали Урмонов. – Асалариларга қўшимча озуқа баҳордан, дарахтар гуллагандан берилади. Қўсчи оилаларга алоҳида эътибор қаратамиз. Ари оиласини кўпайтириш ниятида бўлганлар ана шунга қатъий амал қилиши лозим. Хўжалигимизда 80 та асалари уяси бор. Ўтган йили 1500 килограмм асал олди.

– 2009 йил киши биз учун оғир келди, – дейди "Бахтиёр Элдор Зайниддин" фермер хўжалиғи раҳбари Ҳусниддин Қоноқов. – Аммо асалари озукасига алоҳида эътибор қаратганимиз учун қишдан талафотсиз чиқдик. Отам "Ўғлим, бу касбнинг машаққати кўп, меҳнати оғир, шу билан бирга шарафли, минг дардга даво асал етиштиришнинг ўз гашти ва савоби бор", дея бот-бот такрорлар эдилар. Тоғ ўсимликлари гулдандан олинган асал, айниқса, шифобахш хусусиятга эга бўлишини ҳам отамдан эшитганман. Асаб, овқат ҳазм қилиш аъзолари, юрак, буйрак, нафас йўллари касалланган беморлар тоғ асалани сўраб, тез-тез уйимизга келиб туришарди. Отамнинг панд-насихатларига қўлоқ тутиб, кам бўлмаямман. 86 та асалари уясида ўтган йили 860 килограмм асал олди. Бу йил асалари уяларини

кўпайтириб, 100 тага етказмоқчимиз.

2009 йилда асаларичилик билан шуғулланувчи хўжаликларга "Агробанк"нинг вилоят бўлими 125,1 миллион сўм кредит ажратди. Бу маблағлар асалари оилаларини кўпайтириш, зарур асбоб-ускуналарни бутлашда жуда асқотди.

Асалари оилаларини кўпайтириш ҳисобига бу йил ўрмон хўжалиғи, фермер ҳамда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларида 157,3 тонна асал етиштиришни мўлжаллашмиз, – дейди вилоят асаларичилик ишчи гуруҳи раҳбари Ҳамроқул Холиқов. – Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, хўжалиқларда асалари оилаларини кўпайтириш ҳаракатидамиз. Бунда наслчиликка қатъий эътибор қаратилади. «Бурчмулла» ўрмон хўжалиғида наслчиликка йўналтирилган асаларичилик хўжалигини ташкил этишни ният қилган. Қиш совуғи ва касалликка чидамли, маҳсулдор, бир турдаги ўсимлик ширасидан иккинчисига тез ўтадиган сертухум асалари зотларини олиб келиб, кўпайтирамиз.

Ўрмон хўжалиғида ветеринария хизмати, касалликларнинг олдини олиш тадбирлари яхши йўлга қўйилган. Шу билан бирга хўжаликнинг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш цехи асалари уялари тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб беришмоқда.

Албатта, асаларичилик ҳамма туманларда бирдек ривожлантириляпти, деб бўлмайди. Айниқса, Ўртачирчиқ, Янгийўл, Бўқа туманларида ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Улар Бўстонлик, Пискент, Қўрай, Оққўрғон туманлари асаларичиликни тўплаган тажрибаларини кўн билан ўргансалар, фойдадан холи бўлмасди.

Нигора БОБОҚУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРМОҚДА

2004 йилда Тошкент тумани агросаноат ва бизнес касб-хўнара коллежига Япониянинг имтиёзли кредит ҳисобидан янги ўқув-лаборатория жиҳозлари келтирилган эди.

Яқинда Япониядан Марказий Осиё ва Кавказ ваколатхонаси департаменти бош директори Наокиро Китано ва унинг ёрдамчиси Наоки Нихей коллежга ташриф буюриб, кредит асосида келтирилган жиҳозлардан қай даражада фойдаланилаётгани, битирувчиларнинг ишга тайёралиги масалалари билан қизиқишди. Меҳмонлар кол-

лежнинг қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини қайта ишлаш мини-цехида бўлиб, талабалар билан сўхбатлашди. – Коллежимизда талабалар 9 йўналиш бўйича таҳсил олишмоқда, – дейди коллеж директори Шахриддин Чориев. – Ўқув-ишлаб чиқариш устанонаси, ветеринария лабораторияси, чилангарлик ва пайвандлаш мута-

хассислиги йўналишлари бўйича қўйилган талабалар назарий билимларини шу ерда амалиёт билан мустаҳкамлашмоқда.

Меҳмонлар коллеж фаолияти билан танишган, талабалар билан савол-жавоб уюштирилди. Меҳмонларга эсдалик совғалари топширилди.

Нигина БОБОЕВА.
СУРАТДА: меҳмонлар коллеж ҳаёти билан таништирилмоқда.

Даврон АХМАД олган сурат.



ҲАМИША ЁШЛАР ДАВРАСИДА

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Бекобод шаҳар кенгаши ташкилий-тарбиявий ишларни "Баркамол авлод йили" Давлат дастури бўйича белгиланган режа асосида амалга оширмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш, ёшларни спортга мунтазам жалб этиш мақсадида шаҳардаги 3-, 7-мактабларда ватанпарварлик клублари ташкил қилинган. "Ёш мерганлар", "Ёш чегарачилар" тўғрисида фаолият кўрсатаётди.

Ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш мақсадида шаҳардаги 3-мактаб билан ҳамкорликда "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон" мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди. Шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида "Чемпион" маҳалласи бошланғич ташкилоти, "Камолот" ЕИҲ шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ташкил қилинган суҳбат ҳам мароқли ўтди.

Бўш вақтни мазмунли ўтказишда "Ёзги биатлон", "Ёш мерганлар" каби тўғрақларнинг

аҳамияти катта бўлапти. 3-мактабдаги "Ёш мерганлар" клуби қошида пневматик қуролдан ўқ отиш бўйича ўқувчилар ўртасида мусобақа ўтказилиб, ғолиблар муносиб тақдирланди.

Спорт-техника клуби барча ўқув гуруҳларида республика Президентининг "Юксак маънавият – энгилмас куч" асарида илгари сурилган ғоя, мақсад ва вазифалар асосида махсус дарслар ўттилди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ташаббуси билан ҳамда "Маҳалла" хайрият жамғармаси, халқ таълими ва мудофаа ишлари бўлимлари ҳамкорликда коллежларда "Шунқорлар" мусобақасини ўтказишди. Унда Бекобод техника-иктисодий коллежнинг "Калон" гуруҳи ғолиб чиқди. "Ватанпарвар" ташкилоти мусобақа ташкилотчилари ва ғолибларни эсдалик совғалари билан тақдирлади.

Ашуррали БОЙМУРДОВ.



САМИМИЯТ ҚАДРИ

"Нуроний" жамғармаси Янгийул шаҳар бўлими Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан ҳууд марказида, маҳаллалар, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда "Икки авлод учрашувлари"ни ташкил этди.

Шунингдек, шаҳар қабристонидида ҳашар ўтказилди, ётиб қолган кексаларнинг ҳолидан хабар олindi ва байрам совғалари, дори-дармон, турли ортопедик ва эшитиш мосламалари, республика ҳудудидидаги сийҳатхона ва оромгоҳларга бепул йўлланма-

лар ажратилди.

Талаба ва ўқувчи ёшлардан иборат "Мадад"

СУРАТДА: шаҳар "Нуроний" жамғармаси раиси

вазифасини бажарувчи Феруза Мухаммадалиева

меҳнат фахрийси Георгий Жуков хонадонидида.

Азамат АХМАД олган сурат.

ва "Ғамхўрлик" гуруҳлари ёлғиз, меҳр-муруватга муҳтож кексалар хонадонидида бориб, уй-рўзгор ишларида ёрдамлаштириш ва турар-қўйларини таъмирлашга кўмаклаштиришди.

Ровзатулло ОДИНАЕВ.

САРДОРЛАР САРҲИСОБИ

Баркамол авлод йили муносабати билан иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш, қобилиятларини рўйбга чиқариш, ташаббускорлик, талбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида "Камалат" болалар ташкилотининг анъанавий IX анжумани бўлиб ўтди.

Унда вилоят сардорлар кенгашининг 210 аъзоси иштирок этди.

Анжуманнинг очилиш маросимидан сўнг вилоят сардорлар кенгаши аъзолари йил давомида қилинган ишлар изосидан ҳисобот бердилар.

Вилоятимизнинг 21 та шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган сардорлар кенгаши аъзолари ёшларнинг бугунги фаолияти хусусида фикр алмашдилар.

Шокир ХАЛИЛОВ.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ТАБИАТГА БОҒЛАНГАН КЎНГИЛ

Ангрэн шаҳри вилоятимизнинг иқтисодий жиҳатдан ривож топган минтақаларидан ҳисобланади. Қолаверса, саноат, қурилиш индустрияси ҳамда транспорт соҳасида ҳам шаҳар ўз салоҳиятига эга. Шу сабабдан бу ерда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бошқа ҳудудларга нисбатан анчайин кескин тус олган.

Ҳозир минтақа экологлари вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда табиати муҳофаза қилиш борасидаги ишларни турли йўналишларда олиб боришмоқда. Улар фаолиятининг асоси атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан доимий ҳамнафас яшаш, теварак-атроф келажги билан боғлиқ масалаларни самарали ҳал этиш, сувларга зарарли моддаларни оқизиш ҳолатларини чеклашга қаратилган. Айниқса, шаҳардаги йирик саноат корхоналари раҳбарлари билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ижобий самара бермоқда.

Албатта, бундай хайрли вазифалар вақтида, бекаму кўст амалга оширилишида Ангрэн шаҳар табиати муҳофаза қилиш минтақавий

қўмитаси жамоасининг хизмати катта. Бугун маъруза жамоага юксак ташкилотчилик ва ташаббускорлик фазилатларига эга бўлган Бакир Расулов моҳирона раҳбарлик қилиб келмоқда.

Бакир Расулов минтақавий қўмитага бошчилик қилиш боробарида бутун дунёда глобал муаммага айланиб улгурган атроф-муҳит муҳофазаси, экологик вазиятни барқарорлаштириш каби долзарб масалаларга оғим излашда тинмай ишланмоқда.

У қўмитага раҳбар бўлиб келган, ишни аввало янгилаб ёндошув билан олиб боришга интилади. Соҳада ортирган кўп йиллик бой тажрибасига таяниб, аввало, шу замин табиатини ардоқлаш яшаётган, унинг ўсимли ва ҳайвонот дунёсининг ўзига хос хусусиятларини яхши билидиган маҳаллалик мухассислар билан ҳамкорликда истиқбол режаларини пухта тузиб чиқди.

Унда Ангрэн шаҳрининг беатдор табиати, мусофҳо иқлими, оби ҳаёт саналмиш сув ҳавзаларини ҳудуддаги саноат корхоналарининг зарарли таъсиридан етарли муҳофаза қилишининг аниқ механизмлари ўз аксини топди. Натигада ҳудуддаги йирик корхоналар қўмитадан доимий ҳамкорига айланиб, унинг тавсияларига мувофиқ зарарсиз технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича йирик лойиҳаларни амалга оширишга муваффақ бўлди ва бу жараён ҳали-ҳануз давом этмоқда.

Бакир Расулов фаолиятининг бир йўналишини жамоатчилик иши билан боғлаган. У айна вақтда халқ депутатларининг Ангрэн шаҳар кенгашининг жонқуяр депутати бўлиш билан бирга шаҳар кенгашининг экология ва атроф-муҳит муҳофазаси масалалари доимий комиссияси раиси сифатида самарали фаолият юритмоқда. Ўз навбатида шаҳардаги катта-кичик экологик масалаларни самарали ва ижобий ҳал этилишида унинг депутатлик ваколатлари ҳам кўл келмоқда.

– Биз танлаган соҳа не-

чоғлик машаққатли бўлмасин, барибир шарафли ва ардоқлидир, – дейди Бакир Расулов. – Негаки, касбимиз Она табиатга, атроф-муҳитга меҳр-муҳаббатдан бошланади. Шу сабабли бу соҳада бутун борлиқнинг бор мўъжизаларини бутун вужуд билан ҳис қиладиган одамгина берилиб ишлай олади.

Дарҳақиқат, қўмитага ҳар кўни кўплаб мувоҳабатлар келиб тушади. Улар орасида бир қарашда эътиборсиздек туюладиганлари, айтилик, бир дарахт ёки бир ҳарсанг тош теваригидаги моҳирлар ҳам учрайдилар. Лекин, ўз касбини Она заминга бемисл муҳаббат билан уйғунлаштириш билан минтақавий қўмита ходимлари уларнинг ҳеч бирини беэътибор қолдиришмайди. Чунки бугун бу жамоага раҳбарлик, таъбир жоиз бўлса, соҳадаги кўп йиллик бой тажрибаси ортда устозлик қилиб келаятган Бакир Расуловнинг ёшларга маслаҳат ва ўғити шундай:

– Табиатга муҳаббат унинг ҳар заррасини, ҳар гиёҳу ҳар тошини асраб-авайлаш, демокдир.

Алишер РАҲМАТОВ.

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙ

Болалар оромгоҳларида ёзги дам олувчиларни кутиб олишга сўнгги тайёргарлик ишлари қўйлаяпти.

Вилоят фавқуллода вазиятлар бошқармаси ҳодимлари сел, тошқин ва кўчки ҳодисаларидан оромгоҳларни муҳофаза қилиш имкониятларини ўрганиб чиқяпти.

Тоғли ва бошқа соя-сал-

қин масканларда жойлашган 39 та оромгоҳдаги шарт-шароитлар текширилиб, қўшимча чора-тадбирлар қўриш учун маслаҳат ва кўрсатмалар берилди.

Шерали ҚУТЛИМУРДОВ.

Утеранный план квартиры по адресу: Чиланзарский район, массив Чиланзар-II, дом 25 кв. 2, выданный БТИ Чиланзарского района г. Ташкента на имя Яфаровой Ильмиры Зайнуллаевны,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранный паспорт импортной сделки № 09734666/00003 от 22.01.2009 года, принадлежащий частному предприятую "DIADEMA-LUKS",

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранный план дома, расположенный по адресу: г. Ташкент, М. Улугбекский район, ул. Гульсанам, дом 47, выданный М. Улугбекским БТИ на имя Махаматовой Мамуры,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

НУҚТА НАЗАР

СИФАТ ҲАМ БОШҚАРИЛАДИ

Бозор муносабатларига ўтишда ҳар бир давлат ўз иқтисодий тараққиёт йўлини тўғри танлаши катта аҳамиятга эга. Айниқса, бунда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва сифатга эътибор қаратиш жуда муҳимдир.

Шунинг учун ҳам бугун тараққиёт йўлидан дадил оқимлаб бораётган давлатларда "Сифатни умумий бошқариш" назарияси юзага келди.

Сифатни умумий бошқариш дастлаб Япония ва АҚШда ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эга бўлган компанияларга муркоф беришдан бошланди. Ундан қўзда тутилган мақсад шундан иборатки,

компаниялар нафақат махсулот сифати, балки умумий ишининг, шу жумладан, ишчилар фаолиятининг сифати ва самарадорлиги устида ҳам ишлашади.

Сифатни умумий бошқариш ўз моҳияти билан икки механизмдан иборат: биринчиси – сифатни назорат қилиш, иккинчиси эса сифатни ошириш. Сифатни бир маромда уш-

ЎИ Ва ДУНЁ

КИМГА САРМОЯ, КИМГА НЕФТЬ

Венесуэла ҳукумати Американинг Chevron ҳамда Испаниянинг Repsol нефть компаниялари билан шартнома имзолади. Келишувга мувофиқ хорижий компаниялар Ориноко дарёси ҳавзасида нефть кони очади.

АФР агентлигининг хабари, шунингдек, мамлакатнинг энергетика ва нефть тармоғи вазирлиги Рафаэл Рамиреснинг таъкидлашига кўра, ҳар икки шартнома 15-20 миллиард доллардан инвестиция киритилишини назарда тутди.

Чет эл инвестициялари

тўғрисида 2007 йилда қабул қилинган қоидага мувофиқ, Венесуэланинг Petroleos de Venezuela давлат компанияси Ориноко ҳавзасидаги фойдали қазилмаларнинг қамиди 60 фоизини олади. Бу ҳудудда оғир нефтининг дунёдаги энг катта захираси жойлашган.

БЮДЖЕТЧИЛАР МАОШИ ҚИСКАРАДИ

Испания ҳукумати умумжаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсири муносабати билан бюджет харажатларини қисқартириш режасини эълон қилди.

АФР агентлигининг таъкидлашича, режада бюджетдан ҳар олувчиларнинг маоши ўртача 5 фоизга қисқартирилади. Бош вазир Хосе Салатероннинг гапига қараганда, ҳукумат тadbиридан мақсад – мамлакатда молиявий барқарорлик ўрнатиш.

BBC News тарқатган хабарга кўра, ҳудудларни молиялаштириш ҳам умумий ҳисобда 1,2 миллиард еврога қисқартирилади. Ҳуку-

мат харажатларини қисқартириш ҳисобида яқин икки йил ичида 15 миллиард евролиқ тежаб қолишни мўлжалламоқда.

Халқаро Standard & Poor's рейтинг агентлигининг фикрича, Испания иқтисодий инқироз сабабли ҳамон ночор аҳволда. Мамлакат аҳолисининг 20 фоизи ишсиз эканлиги бу фикрни тасдиқлайди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

НИГОҲ

ЭМАКЛАГАН... ГЭС ОШАР

Тожикистон шoirи Мирзо Турсунзода тожикларга таъриф бера туриб "буларнинг ҳаммаси туғма шoir" деган эди. Бунини тушуниш қийин эмас. Гарчи ҳар бир тожик чинакам шoir бўлмаса-да, барибир, ёшларимизда бир-икки шoir ёзгангайи аниқ. Шoir ёзишга уриниб кўрмаганлар ҳам қарилганларида сўзларни қўйлашга киришишгаётганига нима дейсиз?

Абдуғаффор бобо ўн йилдан бери пенсияда. Яқиндан буюн у ҳам шoir ёза бошлади. Бир кунни мени бир пайла чоғга тақдир этиб, ҳозирги замонда шoir ёзиш жуда қийинлашиб кетганидан узоқ қолди. Билсам, унга аввал баҳор, яъни дарахтларнинг "киприк қоқиб" уйғониши, теварак-атрофнинг кўк либосга бурканиши ва албатта, қўшнингнинг ҳовузидан таралаётган бақалар хониши илҳом берган экан. Аммо, ёзган ашъорини ўзига ёқмай, жонаҳон виллоят партия газетасига олиб бормади.

Энди у ватанпарварлик мавзусида шoirлар ёзишга ҳаракат қилаяпти. Бироқ, илҳом келганини ҳис этиб, ёзув столига энди ўтирганида, қандайдир бегона уй-фирқалар илҳомини "хурқитиб" юбояпти. Ойнаи жаҳонни-ку айтмаса ҳам бўлади. У бокени қалитгани қалитган. Кейинги 10-12 йилдан буюн электр вулканнинг тайини йўқ. Шу бовис бир кеча-кундузда атиги бир неча соатга электр энергияси бериладиган пайтда хотиржам яшаётганиди. Чунки телевизор кўришининг илҳози бўлмасди-да. Энди у шу қадар кўп ахборот олаётгани-ки, уларнинг бари миясида қорилиб кетаяпти. Бу йил виллоят марказидаги ахвол қишлоқларда эмас – хонадонлар 24 соат қарогон.

Ҳозир Тожикистонда

энг муҳим масала – Роғун ГЭСи қурилишини охирига етказиш. Бугун мамлакат телевидениесининг ҳамма каналлари станция учун пул йиғиш зарурлиги ҳақида жар солиш билан банд. Абдуғаффор бобо ҳам бу ватанпарварлик ишига ҳеч бўлмаса шoirлар билан ҳисса қўишини жуда-жуда истаиди. Негаки, акция сотиб олиш ёки хайрия қилиш учун қарияда пул қақда!

– Ахир, "8,3 фоиз" рақамини қандай қилиб қўфияга соламан? – дейди бечора бобо куюниб. – Ибн Сино тумани мактаб ўқитувчилари ойлик маошларининг айнан шунча қисмини Роғун ГЭСи ҳисоб рақамига ўтказишлари керак. Аммо, "сомоний"ни шoir мисрасига жойлаштириш жуда осон, ҳам жаранглаб чиқади. Мамлакат шимоллидаги мактабларнинг ўқувчилари айнан шунчадан маблаг тўплаб, президент Имомали Роғун... йўғ-е, Раҳмон қакриғига "лаббай" деб жавоб бердилар.

Абдуғаффор бобо кўп ва узоқ гапирди. Зеро, у Роғун акцияси шoirга сотилмаслигини тушунамади. Унинг катта ўғли, маҳалла фуқаролар йиғини раиси эртаю кеч уйма-уй юриб, қўшилларини акция сотиб олишга, олганларни эса яна бир-иккита харид қилишга ундаётгани бежиз эмас. Негаки, хурматли

АЖАЛИ ЕТМАГАН ЭКАН

Ливиянинг халқаро аэропортда йўловчи самолёти ҳалокатга учради. АФР агентлиги тарқатган хабарда авиаҳалокат чоғида самолёт бортида ўн мамлакат фуқаро бўлганлиги таъкидланади.

Мамлакатнинг транспорт вазирлиги Мухаммад Зидан халок бўлган 103 кишининг 61 нафари Нидерландия, 22 нафари Ливия фуқаролари бўлганлигини маълум қилди. Экипажнинг 11 аъзосидан ҳеч бири тирик қолмаган. Франция, Финляндия, Филиппин ва Зимбабве фуқароларидан неча киши ҳалок бўлганлиги ҳали аниқланмаган.

Йоханнесбургдан Триполи сари парвоз қилган аэробус Ливия пойтахти аэропортига қўниш чоғида чилпарчин бўлган. Қутқарувчилар самолёт бортидаги иккита "қора яшиқ"ни осонгина топишди. Энди ҳалокат сабабини аниқлашга киришилди. Ливия транспорт вазирлиги кўпуровчилик ҳаракати тўғрисидаги таҳминини истисно этди.

Қизғин шундаки, қирқ йил қирғин бўлса ҳам, ажал етган ўлада, деганларидек, фақат бир йўловчи – Нидерландия фуқароси – саккиз ёшли бола тирик қолган. Ҳозир у госпиталда, аммо ҳаётига ҳаф соладиган жиддий муаммо йўқ.

Роғун... кечирасиз, Раҳмон белгиллаб берган режа ҳали бажарилгани йўқ. Бизнинг қария маҳаллий шoirимиз эса, Тожикистондаги бугунги вазиятда шoir ижод қилиш гоят мушкул эканлигидан нолишини қўймайди. Бобонинг қўзини шамғалат қилиб, жаёндаги қи-тоблардан бирини қўлимга олдим. Достоевскийнинг асари экан. Уни аста-вақтарлаб, баъзи сатрларига кўз ташладим. Қуйидаги жумла эътиборимни тортди: "Ҳўш, Ганька, 1000 червон учун Васильев ороликча эмаклаб боришни хоҳлайсанми?"

Ё, тавба! Буюк рус ёзувчиси ушбу сатрларни айнан бугун, айнан тожик "ватанпарвар"лар ҳақида ёзгандек. Улар Роғун ГЭСини қуриш ғоясини гўё халқ қўллаб-қувватлаётгандек қилиб кўрсатишга уринмоқдалар. Аслида эса, ҳамма нарсадан махрум қилинган тожик халқи маблагга кўз тикилган. Мана сизга ватанпарварлиқнинг тожикча қўрилиши!

Ҳўш, маҳаллий, яъни тожик Ганькаларни Ф. Достоевскийнинг саволига қандай жавоб беришарди? Агар улар эмаклашда мактаб этакларидан, бир кўнмасда бир кун кимдигар бирорта амал курсиси тегиб қолар. Баъзи бизнесларнинг эса, керак-ноқерак, яъни таъмағирлик илнжидидаги текшир-текширлардан ниҳоят халос бўлиб, қўрағига шамол тега. Қолаверса, Раҳмон қурилишни тугалламадан бурун эмаклаб-эмаклаб этиб борганлар (билмадим, неча йиллардан сўнг), "1000 червон"га эга бўлсалар ҳам ажаб эмас.

Анвар АШУРОВ.
(ОРИЕНТ).

Ҳамза тумани, Лисунова-2 даҳаси, 45-уй, 15-хонадон манзилида жойлашган хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Джамалова А. К. (ИНН 202548513) фаолияти 15.05.2010 йилдан тугатилди.

Даъво ва аризалар 297-65-37 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Зангиота туман ҳокимлиги томонидан 2010 йил 26 мартда "CHILONZOR KANS" МЧЖга берилган реестр тартиб рақами № 3055 бўлган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома, бурчак штампни ва думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент политехника касб-ҳунар коллежи томонидан 2006 йилда Абдуқадиров Дилмурод Абдумажидович номинга берилган КМ № 530937 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

① белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30.* 2 3 4 5